2000-2004

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 11 январ | 1 (218)- сон

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ. ХАЛҚ ИСЛОМ КАРИМОВНИ ТАНЛАДИ, САЙЛАДИ

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида овоз бермоқда.
А. ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мустақил мамлакатимизнинг янги асрдаги ривожланиш йўлини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бутун республикамиз бўйлаб юксак уюшқоқлик билан ўтди. Айтиш мумкинки, унда сайловчиларнинг фаол иштироки одамларда буюк келажакка, эртанги фаровон, тинч ва осуда ҳаётга ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганидан, улар юрт тақдирига бефарқ қарамаётганидан далолатдир. Сайловнинг муқобиллик асосида ўтгани эса мамлакатимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган демократиянинг яна бир ёрқин намойишига айланди.

9 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам барча ўзбекистонликлар каби сайловда иштирок этди. Давлатимиз раҳбари 1-Тошкент шаҳар сайлов округидаги 652-сайлов участкасида ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиб овоз берди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, жумладан шундай деди:

— Аминманки, республикамиз ҳудудидаги барча сайлов участкаларида фуқаролар ўзлари маъқул топган номзод учун онгли равишда овоз бермоқда. Шунинг учун халқимизнинг тўғри йўлни танлашига ишончим комил. Авваллам-бор, сайловларда фаол иштирок этаётган халқимизга миннатдорлик изҳор этиб, одамларимиз мана шу саккиз йил давомида амалга оширган ишларимиз, эришган ютуқларимизга холисона баҳо беради, бугунги кунимизни атрофлича таҳлил қилиб, эртанги кунга ишонч билдириб овоз беради, деган умиддаман. Вилоятларда бўлган учрашувларда айтган гапимни яна бир бор такрорлайман: мен халқимга ишонаман, халқимга таъзим қиламан.

Мамлакатимиз раҳбари сайлов натижаларидан қатъий назар, давлатимизнинг эркин, демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш борасида юритаётган ҳозирги изчил сиёсатни ўзгармаслигига умид билдирди.

Менинг орзуим — мамлакатимизда изчил ривожланишнинг қатъий тизими қарор топишидир, — деди Ислом Каримов. — Шунда давлатга ким раҳбар бўлишидан қатъий назар, мамлакат ўз Истиқлол ва истиқбол йўлидан дадил бораверади ва ҳеч қандай куч халқимизни бу тўғри йўлдан оғдира олмайди.

Беҳзод УСМОН (ЎзА).

Қимматли президентимиз Ислом Каримовга

ТАБРИКНОМА

Халқимиз сайловдаги якдил иштирокида XXI асрга асл йўлбошчимиз — Ислом Каримов билан борамиз деди бир овоздан! Зеро, ўтаётган асрда Сизнинг саодатли ғояларингиз, шарқона донишмандликка хос, оқилона, одилона раҳнамолигингиз халқимизни салкам бир асрлик истибдод ўпқонларидан, таназзул таҳдидларидан олиб чиқди. «Биз ўз йўлимиздан қайтмаймиз!» деган мардонавор, оқил, юксак сиёсатчи сифатидаги бебаҳо сўзларингиз истиқлолнинг илк кунлариданоқ баралла янгради, ҳаммани шу ёруғ кунларга чорлаб турди. XX асрнинг салкам тўққиз йили асоратларга ва жароҳатларга малҳам қўйди. Мамлакатимиз дунё харитасидан мустақил давлат сифатида жой олди, тарихан оламшумул эътиборини тиклади. Қалбларни тўлдирган озодлик оташлари буюк тикланишлар — юксалишлар суръатига юраклар шиддатини бермоқда.

Маҳаллий кенгашлар ва Олий Мажлис депутатлигига ўтказилган чинакам демократик сайловлар шукуҳига туташиб кетган ушбу жаҳоншумул Президент сайловида эзгу мақсадлари йўлида илм қудратига ишонган Миллий тикланиш демократик партияси аъзолари ва бизга хайрихоҳ дўстларимиз Сизнинг номзодингизни сидқидилдан қўллаб-қувватладилар. Тикланиш довонларида Сизни раҳнамо билдилар. Сизга овоз бердилар.

Атрофимиздаги мураккаб сиёсий-ижтимоий шароитда юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганлиги ҳар дилда минг бир шукроналарга туташ. Зеро, озодлик боғлари шунда гуллайди, озод боғлар шундай гуллайди! Суюкли фарзандининг меҳр бешигида осойиш ороми қадрида кишиларимиз ҳақли равишда Сизнинг нурли ўйларингизни кўрадилар, тинимсиз ишлаётганингизни, ЎЗБЕКИСТОН деб яшаётганингизни ҳис қиладилар, мудом дуойинизда бўладилар.

Халқ Сизни танлади! Ҳар бир инсон ҳар қандай лаҳзада юрак-юракдан муқаддас юртини, халқини танлагани каби Сизни танлади! Айтиш мумкинки, Ватан тимсолини Сизда кўрди! Мамлакат ва унга пайваст ўз келажагини онгли, эркин равишда, шукроналик, қувонч, дил хотиржамлиги ила Сизга ишонди. Аслида ҳам Сиз аллақачон Ватан тимсолига айланмоқ саодатини топган, ҳар бир фуқаро азизу мукаррам билган улуғ инсонсиз. Бунинг бугунги яна бир халқона эътирофи, бу эътирофни ҳис қилмоқ бахти Сизга муборак бўлсин!

Том эътироф этиб айтамизки, бугун бутун мамлакат, Ўзбекистон халқи ўз келажагини Сизнинг кўзингиз билан кўрмоқда. Қадамларини Сизнинг қадамларингизга ўлчамоқда, онги-тафаккурини Сизнинг фикр-ғояларингиз билан ёриштирмоқда. Ўз бахт-саодатини шунда деб билмоқда.

Халқимиз, Ватанимиз, бизга кўнгли яқин дўстларимиз, келажагимиз бахтига, Сиз олиб бораётган халқаро тинчлик сиёсатига ўзи ва мамлакати тақдирини муштарак кўрган қўшни, қон-қариндош барча тинчликсевар элларнинг бахтига азиз бошингиз омон бўлсин! Узоқ йиллар халқ бахтига соғу саломат, бардам, тетик бўлгайсиз!

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

2000 йилнинг 9 январи куни Ўзбекистон халқи улкан тарихий воқеанинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлди

Мамлакатимизда демократия тамойилларига биноан муқобиллик асосида давлат раҳбарининг сайлови бўлиб ўтди. Бу кун Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази эрталабдан гавжум бўлди. Сайлов жараёнини ёритиш мақсадида бу ерга ўнлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилди.

10 январ эрталаб. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази. Журналистлар интиқлик билан машаққатли кечган куннинг сарҳисобини кутмоқда. Телевидение ва радио, одатдагидек, воқеани тўғридан-тўғри эфирга узатяпти. Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят, матбуот анжумани бошланди. Н. Комилов натижаларни эълон қилди. 12.746.9103 сайловчидан 12.123.199 таси сайловда иштирок этган. Фоиз ҳисобида бу 95,10 га тенг. 3,92 фоиз, яъни 470417 та бюллетен ҳақиқий эмкас, деб топилган. Ниҳоят энг муҳим қисмига келинди. Сайловчиларнинг 11.147.621 таси (91.90 фоиз) Фидокорлар Миллий демократик партиясидан номзоди илгари сурилгач амалдаги Президент Ислом Каримовга овоз берган. Унинг рақиби — ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов 4,17 фоиз овоз тўплаган. Унинг номзодини 505161 киши ёқлаган.

Булар албатта, дастлабки маълумотлар. Аниқ, расмий рақамлар эрта-индин маълум қилинади. Аммо ҳозирча бир гапни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: 2000 йилдаги биринчи Президент сайлови Ўзбекистонда бўлиб ўтди. Жаҳонда 2000 йилда сайланган биринчи Президент Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бўлди...

МСК раиси Ўзбекистон Президенти сайлови муқобиллик асосида, қонунлар, халқаро меъёрлар доирасида ва демократик тамойиллар асосида ўтганлигини, тадбир даврида бирон ножўя ҳодиса юз бермаганини айтди. У сайловда ғолиб чиққан Ислом Каримовга соғлиқ-саломатлик, келгусидаги ишларига муваффақият тилади. Сайловда фаол иштирок этгани учун сайловчиларга ҳамда тадбирни холисона ёритишда жонбозлик кўрсатган барча журналистларга самимий миннатдорлик билдирди.

Шундай қилиб, халқ муносиб номзодни танлади. У мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни, тинчлик-тотувликни, юртимизнинг порлоқ келажагини — барчасини Ислом Каримов номи билан боғлаши бежиз эмаслиги яна бир бор ўз исботини топди. Бу фақат Ўзбекистонда эмас, хорижда ҳам кенг эътироф этилгани ҳақиқат. Ислом Каримовнинг бу ёрқин ғалабаси унинг Президент сифатида ўтган йиллар давомида халқимиз ишончини қай даражада оқлай олганини тўла намойиш этиб турибди.

Абдулҳафиз Жалоловга ҳам тан бериш керак. Амалдаги Президентнинг халқ оразидаги обрў-эътибори қанчалик юқори бўлмасин, у чекинмади ва мардларча майдонга кира олди. Қанча овоз олганидан қатъий назар, унинг ташаббусини муносиб баҳолаш керак.

Марказий Сайлов комиссиясининг матбуот анжуманида бир гап алоҳида таъкидланди. Яъни «сайловгача бўлган вақт давомида ҳеч кимдан ящирадиган ҳеч қандай сиримиз бўлмади, сайлов куни ҳам фақат овоз беришгина яширин ўтди».

Анвар БОБОЕВ (ЎзА).

ХАЛҚАРО ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ЙИЛИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2000 йилни «халқаро дунё маданияти йили» деб эълон қилди.

Эсимизда: 1998 йилнинг 6 ноябрида мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 115-сессиясининг якуний йиғилиши янги тарихимиз саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилган воқеа бўлди. Сессия кун тартибида «Дунё маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти» мавзуси муҳокама қилинган эди. Юксак нуфузли халқаро анжуманда Президентимиз Ислом Каримовга Абу Али ибн Сино номидаги олтин медал топширилди.

Ушанда Президентимиз Ислом Каримов: «Менинг назаримда, жаҳон маданияти ғояси XXI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя ўтган асрларда ҳам кўпқиррали ва бетакрор инсоният цивилизацияси ривожининг ўзаги, юксак маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг асоси бўлиб хизмат қилган. Бу ғоя бугун ҳам дунёдаги тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан», — деган эди. Ушанда яна қуйидаги сўзлар юрагимизга ўрнашган: «1999 йилда ЮНЕСКО шафелигида туркий халқлар достони «Алпомиш»нинг минг йиллигининг нишонланиши ҳам барча туркийзабон халқлар учун улкан байрам бўлади... Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умуминсоний тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўламиз. Бу Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ҳамда Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллиги юбилейларидир.

Умид қиламизки, ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши ва Бош Конференцияси бу саналарни нишонлаш борасидаги бизнинг ташаббусларимизни қўллаб-қувватлайди!»

Бугун, Оврўпонинг салоҳиятли файласуф олимлари жаҳон ва хусусан Оврўпода маданият ва маънавиятнинг боши берк кўчага кириб қолганлиги ҳақида куюниб ёзмоқдалар. Айниқса, маънавиятни қайта «одам алфозига келтириш»нинг ягона йўли «Шарқ мафкурасига таяниш» деб кўрсатмоқдалар.

Янги мустақил давлатлар орасида «тарихий ва маданий қадриятларини ва ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга мувоффақ бўлган» (И. Каримов) Ўзбекистоннинг йўли эътибор қозонди. Шу йўлнинг дунёда тан олинишида Ислом Каримовнинг хизмати мислсиз бўлди. Бугун сиёсий партиялар ҳам, жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партияси катта сайлов имтиҳонларидан ўтиб, ўз моҳияти ва вазифасини энди чуқурроқ англаб, янги замонга анча теран дастурлар билан кириб боришмоқда. Республика Олий Мажлисига партиямиздан ўн депутат сайланганлиги анча жиддий ютуқ деб баҳоланса арзийди. Бу Ўзбекистондаги муайян маданий ва маънавий барқарорликка қўшилган ҳиссадир.

Ҳа, шундай партияси бор Ўзбекистоннинг Президенти «XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради», — деб айтганда, нечоғлик ҳақ!

Валижон ДАДАЖОНОВ, «МТ» жамоатчи мухбири

АСРЛАР КЎПРИГИ БИЗНИНГДУР, ГУЛ-ЧЕЧАК ЎҒИЛ-ҚИЗНИНГДУР!

Шарқ оилалари, кекса отахонларимиз, онахонларимизнинг нуроний чеҳраларидан ёришган хонадонлар, неварачевара-эваралар жамулжамлигида чамандай тўлин, обод кўнгил — обод уйлар. Кишиларимиз азалдан шундай болажон, халқимиз — болапарвар. Ўз ҳаёт мазмунини, умр завқини фарзандлар камолида, уларнинг соғ-омонлиги, ақли комиллигида кўради. Шунга интилади, шароитлар излайди, имконлар топади, кам бўлмасин, ўксинмасин дейди. Ота-она фарзандининг бўй-бастида, ақлида кунда бир ўзгариш кўриб қувонади. Бу юртнинг кишилари, бир сўз билан айтганда, «болам» деб яшайди. Фарзандлар учун нафақат ота-она, балки қуни-қўшни, маҳалла ҳам ўзига масъуллик олади, уларнинг тарбияси, соғлом вояга етишини ўз обрў-эътиборининг бир улуғ, мукаммал қисми ҳисоблайди. Шунданми, «кимнинг боласи» ва «қайси маҳалланинг боласи» деган иборалар деярли бир хил маънода англашилади, бир хил муносабат пайдо қилади. Турон чечаклари, Ўзбекистон болалари, деймиз фахр билан.

Бугунги ёш авлод — эртанги халқдир, халқимиздир. Ватан ободлиги, мамлакат тараққиётининг келажак кафолати, қудратли кучимиздир. Бизнинг энг асосий бойлигимиз — халқимиз экан, демак бу таъкид бизнинг бугунимиз ва келажагимиз бўлган фарзандларимиз таърифи ҳамдир. Биз **АВЛОД СОҒЛОМЛИГИ** ҳақида бир

2000 йил — соғлом авлод йили

моий — тарихий зарурат бўлиб кириб келди. Узоқ йиллик истибдод асоратлари, мураккаб экологик шароит, ўтиш даврининг турли муаммолари бу тушунчани ана шундай заруратга айлантирди. Ва, истиқлол болаларининг ҳар томонлама камол топиши, айниқса, уларнинг СОҒЛОМ бўлиб ўсиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз 2000 йилни «СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» деб эълон қилди. Бундан ҳаммаҳамманинг, ота-оналарнинг қалбига илиқ, умидли нур югурди, бува-бувижонларнинг чексиз қувончи чексиз меҳрига туташиб кетди. Болалар эса шундай оламшумул йил — асрлар алмашиш арафаси ўзларига аталганидан дунё уларга аталган каби олам-олам шодликка тўлмоқдалар, «2000 йил, — бизнинг йилимиз!» демоқдалар.

Янги минг йиллик қадами беғубор, пок бўлгуси, албатта. Авлодлар соғломлиги учун бўлажак саъй-ҳаракатларимиздан бу қадамлар шижоат, куч-қувват олажак, бизнинг-да қудратимизга айланажак.

Дилором МАТКАРИМОВА

АССАЛОМ, ИККИ МИНГИНЧИ ЙИЛ!

**Учинчи минг йиллик остонасида,
Мустақиллик бахти пешонасида.
Қуёшга суюкли Ўзбекистоннинг
Бахт куйи янграсин ҳар хонасида!**

**Йигирманчи асрим, татидик тузинг,
Не-не балоларни кўрмади кўзинг.
Ядровий офатлар қисматга қалқди,
Авлодлар қалбига қуй эзгу сўзинг.**

**Шўро зулмин солди ўзбек элига,
Қатоғон қуйилди ғунча-гулига.
Ўзинг халос этдинг паймонанг тўлиб
Тангрим қувват берди мардлар белига.**

**Баҳодир боболар руҳи қўллади,
Улуғларинг озодликка йўллади.
Ҳумо қанотида ҳурлик байроғи
Юртим, мустақиллик боғинг гуллади.**

**Она замин мангу ҳур, обод бўлсин,
Юзларда табассум, иқболлар кулсин.
Барҳам топиб қирғин қурол, ваболар,
Юртимиз келажак бахтига тўлсин!**

Узоқбой МИСЛИБОЕВ
Самарқанд

АЛИШИЛМАС КЕЧУВДА ТУЛПОР!

На қутлуғ бўлур ўз будунка киши,
Бағу адгу бўлса юриса куни.
(Маъноси: Юрт бошчиси эзгуликка эш бўлиб, тўғри иш тутса, у ўз халқи орасида қандай бахтиёрдир).

* * *

Юрт тинчини кўролмаган, ҳей,
Сокин-сокин тунлар душмани,
Қурол отмай туролмаган, ҳей,
Эзгуликнинг ёвуз кишани.

Энди юртнинг дарвозаси бор,
Бордир унинг пўлат қалқони,
Энди унга кўркув қилмас кор,
Кўкрагида буюк Қуръони!

Бу ишончнинг ижодкори ким?
Тулпор минган инсонки нодир.
Ўзбегимнинг нажоткори ким?
Юртбошидир мардликка қодир.

Юрт шуҳратин сабабкори ким?
Ёв кўзига тик боққан ботир.
Фақат тинчлик талабгори ким?
Ислом Карим отлиғ баҳодир!

* * *

Шукур, юртнинг осмони тиниқ,
Далаларда ёз-қиш ҳаёт бор.
Юртбошидан кўнглимиз тўлиқ,
Алишилмас кечувда тулпор!

Рўмолини лабида тишлаб,
Ўйчан она пичирлар такрор:
— Ёзда ёзлаб, қишида қишлаб,
Алишилмас кечувда тулпор!

Уруш олмас болаларимни
Ҳаммалари бағримда, ҳамкор
Айтарканман аллаларимни
Алишилмас кечувда тулпор!

Олисларга боққан мард йигит
Шиддатида балқар номус, ор.
— Боболардан қолмиш бир ўгит:
Алишилмас кечувда тулпор!

Билагимда қувватим, кучим,
Юрагимда оловларим бор.
Мустақиллик яшаши учун
Алишилмас кечувда тулпор!

Ойдин тунда бешик тебратиб,
Хаёл сурар келин умидвор:
— Бахту иқбол кечувида юрт,
Алишилмас кечувда тулпор!

Шу йўллардан мардона ўтдик,
Янги нафас очилди такрор.
Бугун халқмиз, шундай ахд этдик
Алишилмас кечувда тулпор!

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ТИКЛАНИШИМИЗНИНГ ТОЛЕ ЮЛДУЗЛАРИ

Раҳматали ЖАЛИЛОВ

Ҳали яқин-яқинда бир-бировга «кимни қарасанг бозор ҳақида гапиради, болалар ҳам шундай» дейдиган эди. Мамлакатимизда бўлиб ўтган улкан сайловлар боис эса чинакам демократик иш-ҳаракатлар барчани бирдай ва тез фурсатда фикратини чулғаб, суҳбатлар, муҳокама-мунозаралар бошида туришининг гувоҳи бўлмоқдамиз: Кимни қарасанг сайлов ҳақида нафақат гапиради, балки ўйлайди, тафаккурида таҳлил қилади. Болалар ҳам шундай! Муҳими — хулосалар тўғри!

Сайлов жараёнларида айниқса бир нарсани кузатиш мароқли ва бу кузатув бизни янада ишга — янги ва қайноқ сиёсий ҳаётга чорлаб турди. Бу — сиёсий партияларнинг, хусусан, «Миллий тикланиш» демократик партиямизнинг кенг омма орасига янада чуқур кириб бориши, ҳар бир фуқарода ўзи ҳақда муайян тасаввур пайдо қилиши ёки бор тасаввурларни тўлдиришидир. Сайловлар нафақат номзодларни, балки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларни ҳар томонлама таништиришнинг кенг майдонига ҳам айланди. Бундан бир нарсага амин бўлдимки, гарчи сайловлар якунланган бўлса-да, яна беш йилдан кейинги бўлажак сайловларга барча сиёсий партиялар шу беш йил давомида камида шу кунлардагидай ишлаши, жамият ичида мудом мулоқотда бўлиши, майдонда фаол туриши зарур экан. Негаки, замон тараққиётининг шиддати, буюк фаровонликка эришиш орзуларимиз, Ватан истиқболи учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз шуни тақозо қилади. Улкан сайлов улкан сабоқларини ҳам кашф этди, ҳаммани бирдай сиёсий демократияга ўқитди, десак муболаға эмас. Бундай олиб қараганда, депутатликка кўрсатилган номзодларинг барчаси дилда мақсади, эзгу режалари, халқ учун нимадир қилиш истаги билан албатта юртга муносиб, депутатликка лойиқ кишилардир. Айнан шу маънода ҳам ЎзМТДПнинг 12 октябр қурултойида партия раиси Иброҳим Ғафуров биз танлаган номзодларимиз сайланиш-сайланмаслигидан қатъий назар, партия ғоялари асосида Ватан саодати учун сидқидил ишлашини таъкидлаган, бунга қурултой иштирокчилари ҳам хайрихоҳ муносабатини билдирган эди.

Рустам ЖУМАЕВ

Мингдан зиёд номзодларнинг ҳар бир округда 6-7 тагача муқобиллик асосида қатнашгани, айниқса, сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда, турли мулоқотларда кўпроқ овоз олиш учун астойдил курашлар, халқона қилиб айтганда, ҳеч бир номзоднинг бўш келмаганлиги сайловчиларнинг ҳам сиёсий фаоллигини кучайтириб юборди. Кураш — таништириш, ҳаётий, асосли ваъдаларга ишонтириш, бўлажак фаолиятига шундай йўл очиш — йўлга чиқиш маъносида экан, бу албатта партияни англаш, интилишларини ҳис қилиш, унинг қай даражада шаклланганлигидан ҳам келиб чиқади. Сайлов бюллетенларига киритилган 93 та номзодимиз сайловчиларнинг танлов ҳукмига ҳавола қилинди. Уларнинг орасида турли касб эгалари бор бўлиб, барчасини миллий тикланишларга масъуллик, бел боғлаганлик иродаси бирлаштирган эди. Кези келганда, бизнинг партиямиз зиёли йўналишли партия сифатида фақат илму маърифат касбидаги кишиларнинггина эмас, илму маърифатни, зиёлиликни қалбида касб тутган деҳқоннинг ҳам, савдо аҳлининг ҳам, умуман, тикланиш ғояларига хайрихоҳ ёшу кекса барча-барчанинг сиёсий минбари эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардик. Сайлов жараёнларида халқимиз ҳам буни теран англай бошлади, илмдан қудрат олиш бўлиб туюлади бизга, шарқона тафаккур тараққиёти орзуларию рўёбини солади дилга. Табиий, бу биз учун илк қадам, чунки Миллий тикланиш демократик партияси Маҳаллий кенгашларга ва Олий Мажлис депутатлигига биринчи бор ўз номзодларини кўрсатди. Ва бу номзодларимиз ниҳоятда қизғин ва тез суръатли, ғанимат фурсатли курашларда ўз салоҳияту иқтидорларини намоён қилдилар. Эҳтимол ўзидан кўра тажрибали ва кучли муқобиллари билан тенг бўйлашдилар. Ахир, дейлик, бирор факультет декани ёки санъаткорнинг йирик арбоб, ҳоким билан муқобил майдонга чиқиши, Навоий тили билан айтганда, «эмас осон» бир ишдур. Хуллас, одил курашларда кечган сайлов натижаси ўнта қодир депутатимизни Олий Мажлисга, мамлакат тақдирини ҳал қилувчи улуғ ишларга етакламоқда. Шу ўринда, яна бир алоҳида кўзга ташланган жиҳатга тўхталгимиз келади. «Миллий тикланиш»чиларнинг дастурларида бугун ва эртанинг реал ишлари, ғоялари ўртага ташланди. Уларда халқ ва мамлакатнинг энг зарур эҳтиёжлари акс этди. Мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиёт, юксак ривожланиш нуқталарида фаровонлик меъёрларига етишиш экан, мамлакатнинг олий ваколатхонасида бутун бир халқнинг бугуни ва келажак ҳаётини белгиловчи қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этувчиларнинг ҳаракат дастурлари ҳам шу мавқега муносиб бўлмоғи даркор. Бу ҳам сайловчилару сайланувчиларнинг сиёсий дунёқарашини, онгли тарзда фаоллигини, тарихий тараққиёт заруратларини қай даражада англаётганлигини белгиловчи муҳим жиҳат, албатта. Бу маънода барча номзодларимизнинг замонга тенг, тикланиш ғояларига мос келувчи юксак иқтидори бизни қувонтирди. Олий Мажлисга сайланган депутатларимиз беш йил давомида Миллий тикланиш номидан сўз айтадилар, шу номдаги фракцияда ишлайдилар, ҳаракат дастурлари фаолиятга айланади деб умид билдирамиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВ

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ

ЎЗМТДП МК аъзоси Муяссар РАЗЗОҚОВА

Ғояларимиз каби улуғ ишларга сафарбарлик имкони, олий масъулиятга сазоворлик муборак бўлсин, азиз депутатлар, тикланишларнинг толе юлдузлари!

ЎзМТДПдан Олий Мажлисимизга депутат қилиб сайланганларни чин дилдан қутлаймиз! Ишингиз муваффақиятли бўлсин!

Гуландом БОҚИЕВА

Иброҳим ҒАФУРОВ— (1937)	Партия раиси
Гуландом БОҚИЕВА— (1949)	Жаҳон тиллари университети проректори
Зокиржон МАШРАБОВ— (1933)	Халқаро Бобур жамғармаси раиси
Эркин ДОНАЕВ— (1956)	Сурхондарё вилоят 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори
Раҳматали ЖАЛИЛОВ— (1958)	«Фарғонанефтхиммонтаж» трести бошлиғи
Рустам ЖУМАЕВ— (1960)	Президент девони бош консультанти
Ўткир ҲОШИМОВ— (1941)	Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси
Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ— (1951)	Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси, «Хуррият» газетаси бош муҳаррири
Шарипа САЛИМОВА— (1951)	Президент девони етакчи консультанти
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ— (1955)	«Халқ сўзи» газетаси фотомухбири

ПАХТАОБОДНИНГ ОРЗУСИ: АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Тикланиш ишлари

Қишлоқлардаги лицей ва гимназияларда таҳсил кўрган иқтидорли ўқувчилар орзулари йўлида шаҳар кезиб сарсон бўлмасин, — дейди, Пахтаобод туманидаги 4-гимназия интернати директори, Халқ таълими аълочиси, «Фидойи ўқитувчи» нишони соҳиби Бозорбой ака Нишонов. Бозорбой ака билан халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар, раҳбарлик масъулияти муаммолари ҳақида журналист Нўъмонжон Ўринбоев суҳбатлашди.

— Туманимизда 130 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, аҳолининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этиши боис янги услубдаги ўқув юртларини очиш тарихий зарурат. Ана шу заруратнинг маҳсули ўлароқ, 1993 йилда бизнинг 4-сонли гимназия интернатга оқ йўл тиланди. Ўша йили унга 120 нафар иқтидорли ўқувчи танлов асосида қабул қилинди. Гимназиямиз асосан инглиз тили, математика ва информатика фанларини ўргатишга ихтисослашган. Бугунги кунда 297 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бу даргоҳда 53 нафар ўқитувчи, тарбиячи ҳамда хизматчилар таълим-тарбия самарадорлиги йўлида фидойилик кўрсатмоқдалар. Қувончлиси шуки, бу даргоҳда таянч маълумот гувоҳномасини олган 50 нафардан зиёд ўқувчи ҳозирда турли ўқув юртларида билим олмоқдалар. Аминманки, улар яна бир неча йилдан сўнг яхши мутахассис бўлиб етишиб юртимизга хизмат қилишади.

Жамоамиз ўқув-тарбия жараёнида хорижий давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланишга эътибор бермоқда. 1995 йилдан бошлаб ўқувчиларнинг билим кўникмаларини назорат қилиш янги педагогик технологиялар асосида амалга оширилаяпти. Уларнинг билим савиясини назорат қилишда айниқса диагностик таҳлил қўл келмоқда. Ўқувчилар билимини баҳолаш давлат стандарти талабларидан келиб чиқиб, 100 балл системага ўтилган.

Ўтган қисқа даврда гимназиямиз шароити тубдан яхшиланди. Фан кабинетлари, техника воситалари кабинетлари ҳамда барча қулайликларга эга ошхона, ётоқхоналар ишга туширилди. Шунингдек, замонавий ўқув қуроллари, техника воситалари билан таъминланди. Жумладан, 2та лингафон, 1 та ЭҲМ воситаси магнитофон ва видео магнитофондан унумли фойдаланиляпти. Ҳозирда асосий ва мослаштирилган қўшимча биноларга эгамиз. Дарсхона, ошхона ва ётоқхона яхши жиҳозланган. Бу борада бизга туман ҳокимлиги, вилоят ва туман халқ таълими бўлими, ота-оналарнинг амалий ёрдами катта бўлмоқда.

Гимназиямиз инглиз тилини ўрганишга йўналтирилгани учун Тошкентдаги Буюк Британия элчихонаси, Тил маркази, Андижондаги «Тараққиёт» марказлари билан мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. Уларнинг ёрдамида янги ўқув қуроллари, видео кассеталар олдик. Андижон Тиллар педагогика институти жамоаси гимназиямизни ўз оталиғига олган бўлиб, фан номзодлари, профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда дарс ўтилишини таъминламоқда. Шунингдек, Америка, Англия каби хорижий давлатлардан келган кўнгилли ўқитувчилар ва мутахассислар билан учрашув ва машғулотлар ташкил этилиши ижобий самаралар бермоқда.

Дунёвий билимларни эгаллаш замирида қийинчиликлар, изланишлар ётади, албатта. Жамоамиз ўқувчилар маҳоратлари ва савияларини ривожлантириш, имкониятларини ёрқин намойиш қилиш шароитларини яратиш, билимларини дунё андозаларига мос ҳолда чуқурлаштиришни биринчи галдаги мақсад ва вазифа қилиб олган. Шу мақсад йўлида барча ҳодимларимиз изланяпти. Эндиги асосий мақсадимиз ота-оналарнинг талаби асосида гимназиямиз базасида академик-лицей ташкил этишдан иборат. Чунки бизда олий тоифали ўқитувчилар, илмий ходимлар етарли. Бизда таълим олган кўплаб иқтидорли ёшлар вилоят ҳамда республика миқёсидаги билим юртларига бориш учун моддий жиҳатдан қийналмоқда. Қолаверса, уларнинг ота-оналари шаҳарма-шаҳар юриб сарсон бўлмоқда. Агар бу долзарб муаммони ҳал қилишда Андижон вилояти ҳокимлиги, Пахтаобод туман ҳокимлиги, Республикамизнинг тегишли таълим вазирликлари раҳбарлари ёрдам беришса, кийин иш бўларди. Зеро, бу ишни рўёбга чиқариш учун бизда шароит ва имкониятлар етарли.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Ватан равнақига, унинг келажаги бўлган ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, Ўзбекистондаги барча болаларни ўз болам деб, уларга ҳар томонлама қулайликлар яратаётгани бизни қувонтиради. Умид ва ишонч билан ҳаракатга чорлайди. Янги турдаги таълим муассасалари академик лицейлар кўп тармоқли коллежлар, ихтисослаштирилган махсус мактаб интернатларида ўқиган ёшлар юрт равнақи учун катта фойда беради. Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида экан, барча вилоят, туман раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор беришлари, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашлари лозим. Бундай хайрли ишлар ватан равнақига хизмат қилади..

Бозорбой НИШОНОВ,
халқ таълими аълочиси
Андижон

ИСТИҚЛОЛИНГ АСРАГИЛ

«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Холида Аҳророва билан суҳбат

Эл кўзидаги кишилар

— Холида опа, сизни халқимизнинг севимли шоира қизи Зулфия опанинг энг содиқ шогирди, қолаверса, муовини сифатида биламиз. Шу йилнинг ўрталарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

Бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Эътиборли жиҳатларидан яна бири мазкур мукофотнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятимиз равнақи учун жон куйдирувчи аъло ҳулқли, зукко ва ташаббускор ёшларга берилишидир. Шогирд сифатида Зулфия опанинг хотирасини яна бир ёдга олсак. Шояд руҳлари шод бўлса...

— Зулфия опа ҳусну малоҳатда ҳам, тоқату одамийликда ҳам, публицистика, таҳриру таржимада ҳам беназир гўзал инсон эди. У киши «йилт» этган иқтидор соҳибига бағрини очар, боласи ўрнида парваришлар, камоли учун қайғурар эди. Кўплаб ижодкорларнинг, айниқса, шоира қизларнинг гуррос-гуррос етишиб чиқиб камол топишида Зулфия опанинг меҳнати кўп сингган. Зулфия опа талабчан муҳаррир эди. Бу сифат аввало, ўзига бўлган қаттиққўллиқда намоён бўларди. Эсимда, нашриётга ваъда қилинган Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмасини бетоблигида таржима қилиб, ваъдасининг устидан чиққан эди. У киши таҳрир қилган ҳар бир шеър, ҳар бир мақола узукка кўз қўйгандек ярқираб кетарди. Ишда қанчалик қаттиққўл бўлишига қарамасдан жамоамиздаги ҳар бир ходимнинг оиласини, туриш-турмушини беш қўлдай билар, керак бўлганда елкасини тутиб, оғирини енгил қилишга уринар эди.

Менинг таҳририятда узоқ йиллар муқим ишлашимга сабаб у киши билан ҳамкорлик ва ўзаро ишонч эди. Мен у киши билан ишлаш давомида ҳаётни, инсонийликни, садоқатни, оқибатни ўргандим. Зулфия опа таъзияга ҳам, тўйга ҳам боришни асло унутмасди. Икки оғиз ҳамдардлик билан ўксик қалбларнинг дардларини енгиллаштирса, икки оғиз табрик дил изҳори билан тўйхона эгаларининг қалбларига ёруғлик ва илиқлик олиб кирарди.

— Бугунги кунда кўпгина нашрлар «Мақолада келтирилган факт ва рақамларнинг тўғрилиги, воқеалар, маълумотларнинг рост талқини учун муаллифлар масъулдирлар. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди», — деб ёзиб қўядилар. Кекса журналист сифатида сиз бу ҳолга қандай муносабат билдирасиз. Қолаверса, муаллиф ва таҳририят ҳуқуқлари нималардан иборат бўлиши лозим?

— Эҳтимол, таҳририятлар осон йўлларни танлашгандир. Лекин хат ва мақолаларни ишламаслик ҳар бир нашрнинг ҳаётдан узоқлашишига ва фаол муаллифларидан айрилишига сабаб бўлади.

Менимча эса, таҳририятга нарса кўтариб келган ҳар бир кишини ниҳоятда очиқ юз билан кутиб олиш лозим. Бундан суюниш керак. Чунки ҳар бир мақолада бутун бир шахс, журналист ёки олимнинг ўз сўзи, ўзига хос талаффузи, билим ва маҳорати зуҳур этган бўлади. Тўғри, ҳажми каттароқ бўлиши ёхуд андак ғализроқ услубда ёзилган ҳоллар кўп учрайди. Унинг тақдири энди таҳририятга боғлиқ. Агар матн яхши таҳрирчи қўлига тушиб қолса, у ҳар жиҳатдан тузатилади. Ёмон таҳрир эса баъзи меҳрибон бувижонларнинг набираларнинг сочини олачилпоқ қилиб қайчилашларига ўхшаб кетади. Ёмон таҳрир қилинган мақола услубию тафтини ҳамда ўзига хос жозибасини йўқотади. Энг ёмони, буни муаллиф ҳеч кимга айтолмайди. Айтганда ҳам кеч бўлади. Бу эса уни ёзишдан совутади. Ваҳоланки, мақолани ҳақиқатдан ҳам таҳрир қилиш шарт бўлганда, муаллифдан бир оғиз сўрашса ёки келиб кетинг дейишса олам гулистон. Баъзида ёмон таҳрирдан чиққан мақолаларни ўқиб ёқа ушлайман. Зукко ўқувчилар «палончининг ёши қайтиб жўн мақола ёзишга ўтиб олибди—», дейишмадимикин деган истиҳолада куйиб — эзиламан. Шунинг учун таҳририят муаллиф муносабатларига ниҳоятда эҳтиётлик билан ёндашиши керакки, токи иккала тарафнинг ҳам ҳуқуқи поймол бўлмасин.

— Кўпгина суҳбатларда «Ёшим 60 дан ошганида кўзим очилди, мен ҳам кўплаб замондош зиёлилар каби кўр-басир бўлиб яшаган эканман. Умримнинг кейинги 7-8 йилини ўтган бутун умримнинг баҳосига алмашмайман», — деганингизни эшитганман. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни таҳририяти томонидан 1998 йили «Истиқлол фидойилари» туркумида чоп этилган «Изларини излайман» номли китобингизда «Жумҳуриятимиз мустақиллигини жаҳонда юздан ортиқ давлат тан олди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Кувончимнинг чеки йўқ, уни сўз билан изҳор этишга ожизман» деб ёзгансиз. Айтингчи, мустақиллик нимаси билан сизга қадрли ва азиз?

— Мустақилликка «садағанг бўлай, ҳимоячинг бўлай» — дегим келади. У ўзлигимга қайтарди. Ҳурлик тилимизни давлат тили қилиб берди. Ўзимизнинг байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, Конституциямиз бор. Келажагимиз учун хорижга талабалар юборилиши, шаҳарларнинг обод бўлиши... Шаҳримизнинг ҳар битта кўчаси бўйлаб борадиган бўлсак, қанча ўзгаришлар, қанча қурилишлар... Санаб адоғига етиш қийин.

— Холида опа, Сизни таржимон сифатида ҳам биламиз. Лев Толстойнинг «Туғилиш» романини ўзбек тилига ўгирганингизда атиги 26-27 ёшда бўлгансиз ва шу йили тўнғич фарзандингиз дунёга келган. Ижодкорлик аёл кишига оғирлик қилмайдими? Ижод ва аёл тушунчалари бир-бирига тенгми?

— Энг қийналиб қилган таржима асарим—француз адиби Оноре де Балзакнинг русчада «Утраченные иллюзии» деб номланган асари бўлиб, мен уни ўзбекчага «Ушалмаган орзулар» деб ўгирдим. Бировлар «Эришилмаган орзу» деб номланса қалай бўларкин?— дейишди, «Йўқ!» дедим. Қийналишимнинг боиси — асардаги ҳаёт ва турмуш тарзи мен учун тамоман бегона эди. Яна, Гоголнинг «Шинел» номли қиссаси ҳам анча қийнаган. Менга «жумлаларни бўлиб юборинг» деб маслаҳат беришди. Мен унамадим: Гогол бўлмаган жумлаларни мен қандай бўламан — дедим.

Осон ўзбекчалаштирган асарим эса Константин Гамсахурдиянинг «Буюк меъморнинг ўнг қўли» романи бўлиб, бу асарда Грузиянинг ўзига хос табиати, одамларнинг қатъийлиги, мусиқа ва рақслардаги миллий руҳнинг ниҳоятда рангин тасвирланиши билан кишини беихтиёр ўзига ром этади. Сукунатни, оппоқ қорни тасвирлаганда иссиқ жойда ўтириб совуқ қотасиз, ич-ичингиздан қор ҳидларини туясиз. Отни тасвирлаганда, отга муҳаббатингиз ошади, нафасини сезасиз. Уни хаёлан силаб-сийпалайсиз. Мен, «бизда қайси ёзувчи ўз асарида миллий руҳни шу даражада ёрита олган», деб ўйлаганимда беихтиёр Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и, Ойбекнинг «Қутлуғ қон»и кўз ўнгимда гавдаланади. Гамсахурдия Грузия халқининг даҳо санъаткори эди. Бу асар менинг ёзувчи қаламига мансуб иккинчи таржимам бўлиб, биринчиси «Ойнинг ўғирланиши» номли роман 80-йилларда ўзбек китобхонларига етиб борган. Лекин кейингиси ёзув столимнинг ғаладонида чанг босиб ётибди. Қани энди, имконият бўлса... Биласизми, ҳаммамизнинг эндиги вазифамиз мустақилликни мустаҳкамлаш, унга хизмат қилишдир. Эл-юрт ҳурматини қозониш, ўз тақдирини ватан тақдирида кўриш ва ўз қисматидан шукр қилиш бахти ҳар бир кишини мангу тарк этмаса дейман.

Суҳбатдош: Марҳамат АЛИМОВА

ҒАЙБУЛЛОҲ ас-САЛОМ *МУҲИДДИН АСОМИДДИН*

СЕН БИРНИ БЕРСАНГ...

(Мулоқот)

Ф.С.: – Жаноб Муҳиддин Асомиддин, диёримизга мустақиллик насиб этдию, ҳаётимизда қизиқ воқеалар содир бўла бошлади. Шулардан бири—тадбиркорлик. Илгари боқимандалик кайфияти ҳукмрон эди. «Берсанг – ейман, урсанг – ўламан» қабилида...

М.А.: – Ҳозир ҳам шилқим боқимандалик, боқибеғамлик буткул барҳам топди, дея олмаймиз.

Ф.С.: – Тўғри, меҳнатга ҳақ тўлашда «текисчилик» ялқовликни, бефарқликни, «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» деган бир бузуқ кайфиятни туғдирганди. Одамлар ўз меҳнатининг самараси ва сифатидан манфаатдор бўлмай қолганди. Яхши ишласанг ҳам, ёмон ишласанг ҳам ўша-ўша мояна...

М.А.: – Қайтанга жой қуйдириб ишлаган, янгилик қидирган хизматчи дашном эшитиб, вақтини «перекур» билан ўтказаётган такасалтанг дўппини яримта қилиб, айшини суриб юраверарди.

Ф.С.: – Сув келтирган хору-зор, кўза синдирган азиз...

М.А.: – Бундай руҳий палағда кайфият кишиларнинг онгига чуқур сингиб кетган эди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача лоқайдликдан қутулиш қийин бўляпти, назаримда. Гарчи...

Ф.С.: – ...Эндиликда аҳвол тубдан ўзгармоқда, демоқчисиз-да? Ниҳоят, одамлар тушуна бошладики, боқимандалик аравасида узоққа бориб бўлмайди. Тезкор ҳаёт шиддати мажбур қилади. Малакасиз меҳнат ёки тайёрга айёрлик билан дастурхон тузаб бўлмайди.

М.А.: – Нима учун ҳамма жабҳаларда тадбиркорликка зўр берилаётибди. Сабаби, ижтимоий ва хусусий бойлик орттиришнинг бирдан-бир йўли сармояга эга бўлиш. Бунинг учун эса киши фаол ўйлаши, фаол меҳнат қилиши ва маҳсулот ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун турли-туман тадбирларни қўллаши керак.

Ф.С.: – Бир ақлли одам айтган эди: «Этигинг тор бўлса, бошинг яхши ишлайди»... «Ишнинг кўзини билиш» деймиз. «Қаловини топса, қор ёнар» деймиз. «Ўтин ёрганга бир танга, кўрсатиб турганга ўн танга», деймиз...

М.А.: – Кўп кишилар савдо-тижорат аҳлига шубҳа билан қарайдилар. Уларни салкам текинхўр, ҳаромтомоқ, фирибгар деб биладиганлар ҳам йўқ эмас. Шундай деб ўйлаш учун, албатта, маълум асослар ҳам бор. Сутга сув қўшиб «омухта» қилаётган, бензинни кўпиртириб пуллаётган, сифатсиз молни харидорга алдаб сотаётган, тарозидан ураётган, рўйрост кўзбўямачилик қилаётганлар ҳаётда учраб турибди. Аслида, бундайлар фақат савдода эмас, ҳаётнинг барча жабҳаларида учрайди.

Ф.С.: – Бир яқин танишим айтиб берган воқеани эслаганимда аъзойи баданим титраб кетади. Ҳар гал 9 май арафасида шаҳри Московга гул сотиш учун бориб туришаркан.

М.А.: – Ғалаба байрами кунларида гул савдоси бозори чаққон бўлади у ёқларда.

Ф.С.: – Байрам куни оборган гулларни ҳаш-паш дегунча пуллаб бўлишаркан. Талаб катта. Нима қилиш керак? Қош қорайганда баъзи жаноблар шаҳар қабристонларини «зиёрат» қилишиб, қабрларнинг устига қўйилган анвойи гулларни секингина йиғиб олишаркан-да, эртасига яна бозорга обчиқиб сотишаркан.

М.А.: – Ёраббий, бу қип-қизил муттаҳамгарчилик-ку. Бунақасини биринчи марта эшитишим.

Ф.С.: – Шу-да. «Қандай қилиб бу ишга қўлинглар борди? Худодан қўрқмайсанларми?» десам, безрайиб туриб нима дейди денг: «Худонинг нима алоқаси бор. Одамлар гул деб қақшаб турибди. Ўз яқинларининг қабрларига қўйиши керак. Совуқ Шимолда гул заводимиз йўқ-ку. Бирдан бир йўли боягидай... Бир марта марҳумнинг арвоҳи шод бўлдими, бас. Энди бошқа тириклар ва ўликларнинг ҳам кўнглини олиш, ҳожатини чиқазиш керак. Билсангиз, бу турган-битган савоб-ку!» «Лекин сенлар савоб учун эмас, пул йиғиш учун бу ифлос ишни қилгансанлар. Ҳе, ўргилдим сенинг «савоб»ингдан,» десам, хафа бўлади. «Э, домлажон кундузи сотган гулингни қоқ тунда мозордан териб олишнинг ҳам ўзи бўлмайди-да. Бу ҳам она сутидай ҳалол меҳнат ахир», дейди. Унинг «фалсафа»сини қаранг-а...

М.А.: – Агар шу «меҳнат»ни ҳалол деса, ҳаромини қандай тушуниш керак? Бу қанақа она, қанақа сут, қанақа фарзанд эканлигида. Бу мурдор, ифлос ишнинг савдо-сотиққа ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ф.С.: – Турган гап, биз савдогар деганда, ҳалол, покиза хизмат қилаётган, ўз нонини ҳалоллаб еяётган, харидорларнинг дуосини олаётган танти инсонларни назарда тутамиз. Тасаввур қилингки, агар савдо барҳам топса, нима бўлади? Бутун мамлакатда, дунё миқёсида тараққиёт тўхтайди. Савдо-тижорат мамлакатнинг қон томири.

М.А.: – Сиз, тақсир, савдо-сотиқдан жуда йироқ одамсиз. Пул санашни билмайсиз. Хусусий фойда орттиришга қизиқмайсиз. Чунки Сизнинг тарбиянгиз ва муҳитингиз бутунлай бошқача бўлган. Жуда қизиқ ҳол. Ҳар бир мутахассис ўз меҳнатининг самарасидан манфаатдор бўлиши лозим. Шундай эмасми?

Ф.С.: – Демоқчи бўласизки, ҳар қандай меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши керак.

М.А.: – Ажабким, сиз зиёлилар ҳамма нарсани пул билан ўлчамайсиз. Балки тўғри қиларсиз. Ҳолбуки, илмий ва ижодий иш, тафаккур, маънавият билан боғлиқ барча соҳаларда меҳнат жуда оғир. Бир қўлда тўрт пуд тошни кўтариш қийин. Лекин буни қилса бўлади. Машқ керак. Аммо тўрт қатор яхши рубоий ёзиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Истеъдод илоҳий деганлари тўғри. Талантнинг 99 фоизи меҳнат деган гапга унчалик қўшилмайман. Ҳар қанча тер тўкиб меҳнат қилганинг билан яхши санъат асари ярата олмаслигинг мумкин. Биласиз, акам Темурғолиб Жамолиддинов рассом. У ўзининг қилқаламида чизган ҳайратомуз манзараларни мен ҳеч қачон яратолмайман. Ҳар қанча тадбиркор бўлмайин, мусаввир акамнинг тошини кўтаролмайман. Унга ҳавасим келади.

Ф.С.: – Келинг, меҳнатга ҳақ тўлаш масаласига қайтайлик. Бир куни граф Лев Толстой ўзининг одми деҳқонча кийимида перронда айланиб юрган экан. Поезд келиб қолибди. Бир вагондан зодагон, дворян аёл тушибди. У Толстойни имлаб: «Ҳой мужик, кўтар бу жомадонларни!» дея амр қилибди. «Мужик» оғир юкни инқиллаб кўтариб извошгача олиб борибди. Извошнинг ёнида турган бошқа бир фаранги хоним поезддан тушган ҳалиги олифта оқсуяк аёлни кўриб, қучоқлашиб кўришибди. Шу онда ўз дугонасининг зил-замбил жомадонларини қўлида кўтариб турган Толстойга кўзи тушиб: «Вой шўрим, Сиз бу ерда нега ҳаммолик қилиб юрибсиз, граф?!» – дебди. Шу топда «ҳаммол-мужик» билан энди ҳисоб-китоб қиламан деб қопчиғидан сўлкавой чиқазаётган боён хоним уялганидан дарҳол пулини қопчиғига қайтариб солаётганида, Лев Николаевич қўлини чўзиб, тиҳирлик қилади.

– Кечирасиз. Менинг ҳақимни беринг. Юкингизни манзилга етказиб, меҳнат қилдим. Ҳар қандай меҳнатга ҳақ тўлаш вожибдур.

М.А.: – Шуни айтаман-да. Зиёли халқи, меҳнатига дурустроқ ҳақ тўланса, буни нечукдир ўзига эп кўрмайди. Ҳақини талаб қилиб олишни умуман билмайди ҳисоб. Меҳнат Кодексидан ҳам хабарсиз.

Ф.С.: – Зиёлилардан гап кетди. Бизнинг «қавм»да ҳам боқимандаликнинг асорати йўқ эмас. Устига устак, ўзимизга хос айрим касб-ҳунар «касаллигимиз» ҳам бор. Чунончи, кўплар: олимлар, ҳофизлар, рассомлар, адибу удабо халқи ўз иқтидори ва санъатига маҳлиё бўлиб, кибрланиб, қора меҳнатга тоқат қилишолмайди. Бўш вақтларида қўлига кетмон ушламайди. Ер чопмайди. Экин экмайди. Кўчат ўтқазмайди. Ота-боболаридан қолган ҳунар билан шуғулланмайди. Мол боқмайди. Товуқ сақламайди. Сигир соғмайди. Нон ёпмайди. Нишолда пиширмайди...



Виқор тоғларга ярашар...

М.А.: – Жисмоний меҳнатга ва қора юмуш билан шуғулланувчиларга паст назар билан қараш оқибати бу. Бизнинг тоифамиздаги одамлар, яъни савдо-тижорат ишида банд бўлган ҳамкасабаларимиз орасида давлат томонидан назоратнинг бир қадар сусайганидан фойдаланиб, нафс балосига йўлиққанлар, харидорларнинг ҳақига жабр қилаётганлар шу кунларда ҳам топилади.

Ф.С.: – Энг яхши назорат – виждон, иймон, Оллоҳнинг ғазабидан қўрқиш. Лекин ажабким, улар беш вақт намоз ўқиётганида ҳам, Оллоҳдан кўпроқ, янада кўпроқ мол-давлат беришини сўраб, илтижо қилишади.

М.А.: – Қўлида институт васиқаси бўлган ҳар бир одамни зиёли деб бўлмайди. Қассоблар орасида ҳам зиёлилар бор. Зиёлилар орасида ҳам қассоблар йўқ эмас.

Ф.С.: – Сиз ўз ихтисосингизга кўра қонуншуносиз. Биз тадбиркорлар ҳақида гапирдик. Тадбиркор ким? Шу сослигимни бекорга эсламадингиз. Ҳақиқатан ҳам, агар кимки савдо-сотиқ маданиятининг ҳавосини олмаган бўлса, қонунларни билмаса, савқи табиийлик билан савдонинг «об-ҳаво»сини сезмаса, панд еб қолиши турган гап. Гоҳо таваккал қилишга тўғри келади, албатта. Бусиз мумкин эмас.

Ф.С.: – Саййид Ризо Ализода деган бир донишманд айтганлар: «Аввал – эҳтиёт, сўнгра таваккул».

М.А.: – Олтин сўзлар! Бизнинг йўрикда гоҳо «гардкамчилик» бўлмай иложи йўқ. Ишимиз сал-пал қиморга ҳам ўхшаб кетади. Гоҳ чукка, гоҳ пукка. Қай бир молда ютасан, нимадандир ютқазасан. Бундай тўфондан ҳеч бир тожир муҳофаза қилинмаган. Юрист бўлганим менга қўл келади. Савдо-сотиқ бу чайқовчилик, олиб-сотарчилик эмас. Қўлингга тушган ҳар қандай «сердаромад» молни харид қилиб бўлмайди. Таги лой бўлиб чиқиши мумкин. Солиқ, закотнинг ўз меъёри, даражалари бор. Савдода давлатдан фойда ва даромадни яшириш кўнгилсизликка олиб келади.

Ф.С.: – Савдогарлар тинчлик элчилари. Мен уларни дипломатларга ўхшатаман. Дипломат бу давлатнинг бошқа давлатлар билан муомала-муносабатларини юргизиб ва текислаб турувчи элчилар мақомидадир. Инчунин, савдогарлар ҳам шундай. Улар хорижнинг омборлари ва бозорларини ҳам, ўз мамлакатининг ички бозорларини ҳам сифатли мол билан таъминлаб турувчи кишилардир. Тожирлар, менинг назаримда, энг солиҳ, муросасоз, фозил одамлар. Улар мамлакатлар ўртасида тинчтотув иқлим барқарор бўлишидан энг манфаатдор кишилардир.

М.А.: – Бузғунчилик моллари, наркобизнес корчалонлари ҳақида нима дейсиз?

Ф.С.: – Мен савдо-сотиқ ишининг нормал ва ижобий маъносида гапираётибман. Анов Сиз айтган мўмай даромад орқасидан югураётганлар савдогар эмас, бузғунчилардир. Бу савдонинг соя томони. Яхши маънода савдо-сотиқ намояндалари тинчликпарвар, адолатпарвар, сулҳпарвар кишилар тоифасидан. Уларга ғалва, алғов-далғов, уруш керак эмас. Илло, уруш, биринчи галда, савдогарнинг косасини синдиради, ризқини қияди, бозорини касод қилади...

М.А.: – Тўғри. Шунинг учун ҳам ғаламис, урушқоқ, тажовузкорлар биринчи навбатда мамлакатнинг иқтисодий тармоқларини издан чиқазишга уринади. Айтайлик, машъум 16 феврал воқеаларида марказий банк олдида ҳам бомба портлатилгани бежиз эмас. Улар сиёсий мақсадларни кўзлашган эди. Чет эллик банк хазинабонларини чўчитиш, уларнинг давлатимизнинг иқтисодий тармоқларига сармоя ётқизишга рағбатини йўққа чиқармоқчи бўлишди.

Ф.С.: – Фойда хусусида. Маълумки, ҳар қандай тижоратчи, агар фойда қилмаса, пинагини бузмайди, бармоғини бармоғига текизмайди.

М.А.: – Бироқ савдодан фойда келишининг ҳам меъёри, чегараси ва шартлари бор. Фойдага мук тушиб, иззатидан айрилиш шарқона одобга хилоф.

Ф.С.: – Баҳони бозор белгилайди. Бу тўғри. Аммо бозор кўтаради деб молга бирга ўн, бирга юз баҳо қўйиш инсофдан эмас. Фақат ўз чўнтагини қаппайтирмасдан, харидор манфаатини ҳам ҳисобга олиши даркор киши.

М.А.: – Эсласангиз керак, илгари чет эл молларининг сифати жуда баланд бўлар эди. Ҳозир эса обрўси тушиб кетди. Юзи ялтироқ, ичи қалтироқ. Мен бу ерда айрим ноинсоф хорижлик мол эгаларининг фирибгарлигидан кўра, ўз тожирларимизнинг юлғичлиги ва бефаросатлигини айтган бўлардим.

Ф.С.: – Ҳа-да! Улар бизнинг фирибгар «бизнесчи»ларимизга ўзларининг яроқсиз молини зўрлаб сотмайди-ку.

М.А.: – «Арзон беиллат, қиммат беҳикмат бўлмас», деган гап бор. Сиз айтган муаммо харидор руҳиятига ва маданиятига ҳам боғлиқ. Тақдим қилинаётган нарсани суриштирмай-нетмай олаверсин деб ким айтибди. Харид қилинаётган молни «тишга уриб» олмоқ керак.

Ф.С.: – Яҳудийларда шундай гап бор: «Мен шунчалик бой-бадавлат эмасманки, арзон нарсани харид қилсам».

М.А.: – Ишбилармонлик ҳамма замонларда ҳам қадрланган. Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган таърифни эшитганимда, кўз ўнгимда дафъатан тадбиркор сиймоси намоён бўлади. Ёруғ келажак, шубҳасиз, тадбиркорларники, деб ўйлайман.

Ф.С.: – Яна бир масалага қайтсак. Сиз зиёли оила фарзандисиз. Шунинг учундир балким, тижоравий фаолиятингизда мен кўпроқ ўз халқингиз манфаатини кўзлаб иш юритаётганингизни кузатиб бораман. Сиз имкон қадар кўп шахсий фойда олишдан кўра, харидорнинг фойдасини кўзлашга ҳам эътибор берасиз. Отангиз Алп Жамол деган эканлар: «Макка ва Мадинага ҳаж қилгандан кўра (бу ўз йўлига), ён-верингда турган фақир, қашшоқ, муҳтож инсонларнинг бошини сила. Қўлингдан келса уларнинг қорнини тўйғаз. Устини бут қил».

* Сиз ташкил этган ёғ ва сув корхоналарида 200 киши иш билан таъминланган. Бу 200 кишининг «қора қозони» қайнаб турибди, деган сўз.

* Қўшма Штатларнинг ишбилармонлари билан ҳамкорликда гул қоғоз (обой) фабрикаси очилган. Бу ерда 100 киши хизмат қилади.

* Кипр ишбилармонлари билан маиший кимё хизмати ташкил қилинган. 300 одам иш билан банд.

* «Алп Жамол» хусусий банкида 50 киши ишлайди.

* «Абседиан» ишлаб чиқариш корхонасида 80 одам хизмат қилади.

* Ижарага қўйилган бинолар ҳисобидан Ўзбекистонга ҳар йили 70 минг доллар маблағ келиб тушади.

* Шаҳрихонда (Андижон) 431 бош қорамол фермасидан аукционда сотилган 50 фоиз маблағ сиз тарафдан қопланган. 130 гектар ер мазкур қорамол фермасига бириктирилган. Бундан ташқари сиз бошқараётган ферма ва корхоналарда жами мингдан зиёд киши иш ўрнига эга.

Яна билишимча, Мухтор Сулаймонов деган бир ёш адибга Чилонзор мавзеида тўрт минг доллар (2 млн. сўм)га квартира олиб совға қилгансиз. Бу зот сизга қариндош бўладими ёки шунчаки бир таниш?

М.А.: – Мен бу кишини умуман танимас эдим. Бир куни «Оила ва жамият» газетасида кичик бир хабарни ўқиганман. Унда Мухтор Тошкентда яшаши, лекин бу шаҳри азимда бир парчагина ери йўқлиги, кафтдай осмонга зор эканлиги, «шу топда ўз қишлоғида, захкаш бир кулбада» яшаётган онасини эслаганини айтади, холос.

Ф.С.: – Шунга кўра М. Сулаймоновга ёнингиздан квартира олиб бердингизми?

М. А.: – Ҳа. Инсон инсонни тушуниши керак-ку, ахир. Менга унинг ўша шапалоқдаккина ахбороти жуда таъсир қилди. Аллақизиқ бўлиб кетдим.

Ф.С.: – Яна воқиф бўлдимки, Тошпўлат деган бир ногирон инсонга Қўйлиқдан тўрт хонали квартира олиб бергансиз. Кикбоксинг чемпиони Раҳматиллага Ибн Сино мавзеидан уч хонали квартира совға қилгансиз. Оғир инфаркт касалига чалинган Мурод акага ҳам уч хонали квартира... Президент ташаббуси билан ўтказилган Арча байрамига ҳисобингиздан 2 млн. 900 минг сўм ўтказгансиз ва ҳоказо. Савдо-сотиқ ишлари, фойда, сармоядан тушаётган маблағларни қаерга, нима мақсадда сарфлашингиз аён бўлди. Сизга, азизим, бир савол: бойиш, фойда, зарарни қандай тушунасиз?

М.А.: – Бойиш деганда фақат ўзинг эмас, қўл остингдаги одамларни, ҳамкасабаларинг, қўни-қўшни, маҳалла, қавм-қариндош билан бирга ёки олинган бойликдан бошқалар (меҳнатга лаёқатсиз ёхуд қаровсиз, ногирон қариялар) билан баҳам кўришни тушунаман. Фойда – бу фақат ўз чўнтагингни, кўрпаёстиғингни, сандиғингни ақчага тўлдириш эмас, балким бошқа инсонларга ҳам мурувват кўрсатишда деб биламан. Менинг қўл остимда минг киши иш ўрнига эга экан, ўринлар миқдорини ўн мингтага, юз мингтага оширишни орзу қиламан.

Ф.С.: – Ҳадиси шарифларда бир гап борким, Оллоҳ таоло ваъда қилибди: «Сен менга бирни берсанг, мен сенга юзни берурман. Сен менга юзни берсанг, мен сенга мингни берурман». Бойиш, фойда, наф, тадбиркорлик фаолиятининг фалсафаси ва ҳикмати шунда. Бу тамойилга изчил риоя қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Оҳанглар оғушида...

МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИНИНГ НОЁБ БИЛИМДОНИ

Ёдимиз лавҳалари

Бу йил, илм жавоҳирлари маскани Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасининг кекса билимдони, таниқли шарқшунос, библиограф олим марҳум Абдулла ота Носировнинг туғилганига 100 йил тўлди. У киши 1889 йил 6 декабрда Тошкентнинг «Махсидўз» маҳалласида саҳҳоф оиласида таваллуд топади. Тошкентнинг Кўкалдош ва Беклербеги мадрасаларида таҳсил олади. Кўкалдош мадрасасида мударрислик қилаётган шоир ва хаттот Сирожиддин маҳдум Сидқий Мирзоҳид ўғли Хондайлиқий устозлигида хаттотлик санъатини ва араб, форс тилларини ўрганади.

Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошкент» номли қўлёзма асарининг кўчирилиши, Абдулла Носиров домланинг етук хаттотлигини намоён этди. Хаттотлик санъатига қойил қолган машҳур ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг илтимосига кўра домла унинг «Ўтган кунлар» романини араб алифбоси асосида ёзиб берганлар.

Абдулла ака Носиров маданий оқартув ва илмий муассасаларида хизмат қилиб, умрини илм-маърифат каби шарафли ишларга сарфладилар. Наримон, Фрунзе, Чиноз район марказий кутубхоналари «Турон» номидаги ҳозирги Тошкент вилояти кутубхонаси ва Алишер Навоий номидаги кутубхоналарида 1921-1943 йилларгача фаол ишлаб келганлар.

Домла Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти ташкил топган 1943 йилдан умрларининг охиригача бу институтда илмий ходимлик лавозимида самарали ишладилар.

Домла Абдулла ака Носиров шарқ тиллари соҳасидаги билимларини ва бой библиографик тажрибаларини институтимиз қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзма ва босма китобларни каталоглаштириш ишига сарфладилар.

Абдулла ака бу билан чекланиб қолмади. Биз у киши билан мазкур институтда қарийб ярим аср бирга ишлаган бўлсак, шу даврда, қадимий қўлёзма асарларнинг билимдони сифатида, институтда мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келган, аҳолидан қўлёзма ва босма китоблар сотиб олиш ҳайъати аъзоси сифатида фаол қатнашдилар. Бу билан институт қўлёзма асарлар хазинасини янги-янги асарлар билан бойиб боришидек муҳим ишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, домла қўлёзма ва босма китоблардан Алҳоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий, Бобур, Фузулий, Мукимий, Фурқат каби қатор буюк мутафаккир олим ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодига ва маданият тарихимизга оид турли мавзуларда библиография ва кўрсаткичлар тузадилар.

Бундай библиографик маълумотлар 13 минг варақни ташкил этган, 128 катта дафтар (жилд)га жойлаштирилган. Уларни қўлёзмаларнинг калити деб аташ мумкин.

Улуғбек ҳақида батафсил маълумот берувчи библиография, Форобий ва Ибн Синоларнинг ҳаёти ва ижодига доир қўлёзма ва босма манбалар рўйхати берилган библиографияси олимнинг маълумот дафтарларининг бир қисмиганасидур.

Абдулла отанинг бизгача қолдириб кетган меросларидан яна бири 1964 йилдан бошлаб «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида босилган тарих, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар бор газеталардан 2600 нусхасини тўплаб, муқовалатиб, махсус мундарижа ёзиб, институт қироатхонасига топширган.

Абдулла ота бир неча китоб, рисолалар ва талайгина мақолалар муаллифидир. Институтимизда хизмат қилган олимлардан тарих фанлари доктори, профессор Илёсиддин ғози ўғли Низомиддинов, филология фанлари доктори Абдусодиқ Ирисовлар билан ҳамкорликда «Ўрта Осиёлик қирқ олим» (1961), тарих фанлари номзоди Қувомиддин Муниров ва Абдусодиқ Ирисов билан ҳамкорликда «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» (1983), яна Қувомиддин Муниров билан ҳамкорликда «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги» (1970), филология фанлари номзоди Ҳамидулла Ҳикматуллаев билан ҳамкорликда эса «Али Қушчи» (1964) ва «Аҳмад Фарғоний» (1968) номли рисола ва китобларини чоп эттирдилар.

Агар «Ўрта Осиёлик қирқ олим» ва «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» асарларида 70 дан кўп олим ижодкорларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари ҳақида дастлабки маълумотлар берилган бўлса, «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги» асарида ҳазратнинг ўзлари ҳаёт давридан XX аср бошларигача кўчирилган 450 дан ортиқ қўлёзма асарлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. Бу асарларнинг аҳамияти илм аҳлига маълум.

Абдулла отани талайгина рисола ва мақолаларнинг муаллифи дедик. Ҳурматли домламизнинг асарларини ўқиган китобхон, журналхон ва газетхонлар уларнинг кейинги асар, мақолаларининг чоп этилиб чиқишини кутишар эдилар. Чунки улар ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган манбалар асосида янги мавзуларда ёзардилар.

Қанча-қанча докторлик ва номзодлик ишларнинг амалга ошишида ва қатор илмий ва бадиий асарларнинг яратилишида домламизнинг ҳиссалари кам эмас. Бу борада домламиз барҳаётликларида қатор мутахассисларнинг миннатдорчилик ва ташаккурлар айтиб мактублар ёзганликларини эслатиб ўтмоқчимиз.

Қачонки, Абдулла ака Носиров ҳақида суҳбат кетганда, бу ҳурматли манбашунос, моҳир библиограф, хаттот ва камтарин инсоннинг номини унинг холис ёрдамларидан баҳраманд бўлганлар, ҳамкасб олимлар ва китобшунос дўстлар катта ҳурмат билан тилга оладилар.

Абдулла ака Носиров домла Алишер Навоий ҳазратлари:

«Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от»,

деганларидек, ўз халқига ва элига беминнат яхшиликлар қилиб, ўзидан кейин ҳам яхши ном қолдира олган ажойиб инсон эдилар.

Қувомиддин МУНИРОВ, ОМОНБЕК ЖАЛИЛОВ

Дўстларимиз санъати

ОФАРИН, ТОРЕНИЁЗ!

Уч қорақалпоқ филми ҳақида бир шингил сўз

Нукус киностудиясида яратилган уч филмда қорақалпоқ халқи ҳаётининг бир неча саҳифаси эҳтирос ва меҳр ила тасвирланган. Бу асарлар, табиийки, бир-биридан шакл ва мавзу жиҳатдан фарқ қилади. Лекин уларни бирлаштириб, бир-бирига яқинлаштириб турадиган нуқталар ҳам мавжуд. Уларни ўз ватанини севадиган, удумларини, тупроғини қадрлайдиган, мард, бағрикенг сахий кишиларини эъзозлайдиган кино ижодкорлари суратга олганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Кино аҳлининг ўз қаҳрамонларига бўлган самимий, илиқ муносабатлари тасвирда, овозда, мусиқа садоларида, илдам ҳикоя маромини қуришларда кўзга ташланади.

«Она», «Кўкпар», «Зидар» деб аталган бу тасмаларнинг режиссёри Торениёз Қалимбетов турли муаллифлар, операторлар билан ҳамкорликда ишлаган, мавзу ва муайян ҳаётий воқеаларнинг адабий ифодаси бўлмиш сценарийлардан келиб чиқиб, экран шаклларини қўллаган. Натижада онанинг дардини, иродасини, фарзандига бўлган садоқатини бадиий ифодалаб бера олган. Филмда улоқнинг жозибасини, балоғатга етган йигитни синовдан ўтказа олишини, отдек ақлли жониворнинг эпчил— ботир чавандозга бўлган меҳрини намоён эта олишини ҳам кўрдик. Шоир Ажиниёзнинг жўшқин сатрлари қанчалик ҳаётий кучга эга эканлиги ҳақида фикр юритишга зарурат сездик.

«Она» филмида бирор драматик воқеа содир бўлмайди. Муаллиф ва режиссёр Т. Қалимбетов ўз қаҳрамонларининг ҳолатини, руҳиятини кадр ортида қолган воқеадан кейин ўрганади: бирдан-бир фарзанд уйини, онасини, овулини тарк этгану қайтиб келмаган. Хат ҳам йўлламайди. Фотосурати қолган, холос. Тирик фарзанди доғида қолган онанинг ҳолини кўринг. Эртаю кеч юмуш билан ўзини банд қилади. Ёлғизликдан қочиб ўзини ўчоққа, жомашовга, тандирга, бандаликни аллақачон бажо келтирган умр ҳамроҳининг қабртошига уради. Ғоҳ баланд нарвон зинапояларини аста босиб, қачонлардир сувалган, эндиликда қаровсиз қолган лой томга чиқиб, уфқ томон термулиб қарайди. Ҳа, ўша узоқдаги йўл бўйлаб сўқмоқлардан ўтиб бедарак кетган ўғлининг дийдорини бир зум бўлса-да, кўрмоқчи бўлади онаизор. Кечки пайт эса, одатдагидек қозон қайнаб, икки коса овқат тайёр бўлади. Она ҳар оқшом бир ўзига эмас, ўғлига — ўзини бу уйдан, кимсасиз овулдан холи этган, қаерлардадир дайдиб юрган (ёки истироҳатда бўлган) фарзандига ҳам овқат сузади. Хонтахтага икки коса, икки қошиқ, икки бурда нон қўйилади. Шу йўл билан, эҳтимол, она ўзини алдар, юпатар. Эҳтимол, бу ҳаракати унга ўғлини — қалин солинган кўрпачада чордона қуриб ўтирган, иштаҳа билан ўчоқда пишган овқатни тановвул қилаётган, онасига миннатдорчилик билан назар ташлаётган боласини тасаввур этишга ёрдам берар. Шунда бизда бу аёлга бўлган меҳр-муҳаббат шунчалик товланиб-ортиб кетадики, кўзимиздан ёш чиқади, ҳаяжон қучади. Аёлнинг юзидаги чуқур ажинлар, кўзларидаги меҳр ифодаси, маъюс кайфияти, бўшамаган косага, ҳатто, ҳўпланмаган шўрвага, гўжага маъноли нигоҳ ташлаши ҳаяжонга солади.

— Филм заминида ҳаётий воқеа ётадими, Торениёз? Бунчалик ҳаққонийлик, бунчалик таъсирчан кадрларни суратга олиш учун муайян шахсдан илҳом олиш, фарзанд дийдорига зор онани кўриш, ўрганиш, уни севиб қолиш керакдир! — деб режиссёрга савол берганимда, у:

— Худди шундай, танҳо яшайдиган аёлни кўп кузатдим, унинг фикрдошига айландим. Суҳбатлар доимий мулоқот, савол-жавоблар бўлди. Кимсасиз ўлканинг шароитини, ўзига хос хусусиятларини ўргандим. шу тариқа сценарий, сўнгра филм туғилди, — деб жавоб берди.

«Кўкпар»да ҳам камера ёнида қорақалпоқнинг таомилини, анъаналарини, кундалик ҳаётини биладиган, чуқур идрок этадиган ижодкор тургани билиниб туради. От сўйилганида бир болакай кўзани олиб қочишини кўра билиш, қозондан олинган суякни қўлга олиш, ейишни истамай дастурхонни тарк этишини сеза билиш, ўз вақтида суратга ола билиш керак! Улоқ голиби бўлмиш чопқир от ўша аёвсиз мусобақадан кейин қай аҳволга тушишини сценарийда таърифлаш, кадрга олиш ва бизга етказиш учун «Отчопар»да болаликдан бўлиш керак.

«Зидар» эса, киносанъаткорлар мумтоз шоир Ажиниёз қаламига мансуб лирик мисралардан эҳтиросли сўзларга мос келадиган тасвир излаганликларидан дарак беради. Бу асарнинг бадиий-публицистик тўқимасида сермазмун тасвир, баъзан серзавқ истиоралар ҳам учраса-да, унинг таркибида сўз — кадрда ва кадр ортида янграб турган сўз устун туришини қайд қилдик. Шунда қорақалпоғистонлик ҳамкасбларимиз назм ва кадр, шеърият ва экран ифодаси масалалари билан янада чуқурроқ шуғулланишлари зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлди.

Уч янги филм Нукус киностудиясининг имкониятларини, унинг кўпроқ ютуқларини, изланишмашаққатларини яққол кўрсатди. Мазкур асарларнинг бадиий-ғоявий савияси анча юксак бўлиб, кино заҳматкашлари айрим ижодий, ташкилий, иқтисодий муаммоларга дуч келганларида ҳам ўзларига бўлган талабчанликни сусайтирмаётганликларидан дарак топдик. Тўғри, бу тасмалар бенуқсон эмас. Масалан, ҳужжатли асарнинг тўқимасига баъзан бадиий филмга хос бўлган кадрлар кириб қолиши (яъни, кадр-эпизодлар суратга олиш учун атайлаб ташкил этилиши) ҳолларини ҳам кўриб, афсусландик. «Зидар»да эса, бир неча қайта қўлланилган, андозага айланиб қолган кадрлар учраши (шоир Ажиниёз қиёфасида актёр пайдо бўлиши, шеър ўқиши...), филмларда кино учун атайлаб ёзилган мусиқа садолари янграмаслигини кўриб, дўстларимизга кино ўзида бошқа ташқи санъатларнинг воситаларини синтез қилишини, экран, аввало, тасвир орқали образ яратишини, куй-оҳанг унга сайқал беришини эслатгимиз келди. Дарвоқе, бу фикрларни режиссёр Т. Қалимбетов эшитиб эътироз билдирмади, мушоҳада, таҳлил, дўстона мулоқот учун миннатдорчилик айтди. Биз эса, кинорежиссёр Т. Қалимбетов бир бадиий, икки ҳужжатли асар устида завқ-шавқ билан ишлаганини, Ватанимизга, юртдошларимизга бўлган чексиз муҳаббатини, садоқатини ғўзал лавҳаларда ифодалаб берганини кўриб-эшитиб, «Офарин, Торениёз!» деб олқишладик.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Тўкин дастурхон атрофида...

ЧИСТОНЛАР

Бори шу, эламанг ади-басини
Айтсанг адоқи йўқ кас-бекасини.
Хизматларида бўл қўмсаб ўтасан
Икки яратувчи бузург сасини.

(Ота-Она)

Тан уйинг томига лўмбоздай сувол,
Жисму жонинг бўлмай ҳукмида уввол.
Ҳар маҳал ҳаётнинг зарбаларидан
Бошингни асраган мўъжиза курол.

(Онг)

Дунёга келибла устида ётдик,
Аждодлар ҳокини кесак деб отдик.
Отанг-отасига, сенга ҳам боланг
Кавлаган ўрага кетма-кет ботдик.

(Ер)

Коинот карамли қуши қўнмайди,
Оқиб идишлари сувга тўлмайди.
Самовот кўкида сарсон-саргардон
Таърифини хатга тизиб бўлмайди.

(Ер)

Рўзимуҳаммад ХОРАЗМИЙ

ИШҚ, НИМАДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

«Муҳаббатсизлар осийдир!»

Э. ВОҲИДОВ

Нуқтаи назар

Ровийлар айтадилар:

Юсуф алайҳи-с-саломга тангридан фармон бўлди:

— Эй, Юсуф! Сенинг ишқинг ўтида Зулайҳо куюб кул бўлди, унинг ҳолидан хабар ол!

Юсуф Оллоҳнинг ҳукми билан аркони давлату лашкарни отлантириб йўлга чиқди. Бу хабарни эшитган ва суюкли ёр ҳажрида тамом қувватдан кетиб, кўзлари ҳам кўр бўлиб қолган Зулайҳо канизакларга:

— Менга, бир ҳасса келтиринглар, йўлга чиқиб ўтирай. Гарчи кўзларим кўр бўлса-да, унинг дийдорини кўрмасам ҳам, у мени кўрсин «мен учун оввора бўлиб чиқибди» десин! — деди.

Зулайҳо йўл устида ўтирарди. Юсуф ўз лашкарларига унинг олдидан бўлиниб-бўлиниб ўтиш ва ҳар бири бир гуруҳ лашкарга Зулайҳодан «Эй, Зулайҳо! Бизнинг орамизда Юсуф борми?» деб сўрашни амр этди.

Ҳар бир гуруҳ лашкар етиб келиб савол сўрар, Зулайҳо ҳар гал: «Йўқ» дер эди. Охири Юсуф бошчилигидаги гуруҳ етиб келди.

Бу сафар Зулайҳо янглишмай Юсуф шу гуруҳ лашкар билан эканлигини айтди.

— Қаердан билдинг? — деб сўради Юсуф.

Зулайҳо жавоб берди:

— Ҳар бир гуруҳ қаршимдан ўтаётган отлар туёғи ерга тегар эди, аммо сен минган отнинг туёғи менинг жон-жонимга урилди.

Юсуф қайратланди:

— Орадан саксон йил ўтди, ахир. Ҳануз наҳот мени унутмагансан?

Зулайҳо деди:

— Гарчи кўзларим нурсизланиб, таним заифлашиб, бу айрилиқ йиллари ёшлик латофатимни олиб кетса-да аммо муҳаббатим кундан-кун зиёда бўлди!

— Буни қандай исбот этасан? — сўради Юсуф.

— Эй, Юсуф! Қамчингни яқин келтир! — деди Зулайҳо.

Юсуф қўлидаги қамчини Зулайҳога яқин келтирди. Зулайҳо қамчинга қаратиб бир оҳ тортиб эди, оғзидан бир парча олов чиқиб, қамчига ўт туташди. Юсуф қўлидаги қамчини ташлаб юборди.

Зулайҳо деди:

— Эй, Юсуф! Менинг ишқим учун маломатлар айтардинг, мен бечора неча йилларки, муҳаббатинг оловини юрагимда сақлаб юрибман, сен эса бу оловнинг бир учқунига тоқат қилолмадинг!».

Бу неча асрлар оша бизгача етиб келган ривоятнинг бир қисми, холос! Бундай ибратомуз ривояту ҳикоятлар, шеърий талқинлар тарихимиз қатларида беҳисоб. Бироқ... Тери таносил касалликлари муолажаҳои фаолиятини ўрганганимда, 14-17 ёшли жувонлар, ҳали мўйлаби қорайиб улгурмаган ўспиринларни кўриб, лол қотдим.

«Вояга етмаган маҳкумлар учун кучайтирилган тартибдаги муассаса»дан мақола тайёрлаганимда эса «Номусга тажовуз қилиб» жазо ўтаётган ўспиринларга ачинишни ҳам, маломат айтишни ҳам билолмагандим.

Яна муҳаббат мавзуига қайтсак. Севиш, севилиш туйғуси мактаб ўқувчисига таниш. Фақат ўқувчининг муҳаббат ҳақидаги тушунчаси тўла эмас. Ундаги дунёқарашни ижобий ривож топтириш тарбиячи муаллимнинг вазифаси. Тўғриси, кўча-кўйда ҳеч кимдан тап тортмай қучоқлашиб турганларни кўрсак индамаймиз. Аммо билиб-билмай ишқий хат ёзган ўқувчининг ёқасидан бўгамиз. Чин севги ҳақида маъруза қилишдан тортинамизу, 16 ёшли ўқувчи ҳомиладор бўлиб қолса, 17 ёшли ўсмир «номусга тажовуз қилишда айбланса», синф мажлислари, тарбиявий соатлар баённомаларини рўкач қилиб айбсизлигимизни далиллаймиз.

ОИЛАДА-ЧИ! Ҳозирги ўзликни англаш даврида ҳам гарчи этаги ерга текса-да тиззасидан бир қарич тепага қараб тилинган юбка кийган қизини (соч ҳақида-ку гапирмайлик!) замонавий ҳисобловчи, оғзидан сақич тушмайдиган ўғлини маданий билувчи ота-оналар анчагина. Ҳатто аксарият ўз фарзандига ҳақиқий муҳаббат ҳақида сўз очмайди. Ваҳоланки, аждодларимиз бу борада ўз муносабатларини ёшларга тушунтиришни фарз билганлар, пандномалар битганлар. Машҳур «Қобуснома» асарида шундай таъриф бор:

— «Эй, фарзанд! Кишининг таъби латиф бўлмагунча, ошиқ бўла олмайди. Чунки ишқ- муҳаббат таъби латифликдан пайдо бўлади... Ғализ таъб ва ялқов киши ҳеч қачон ошиқ бўлолмайди!..»

Ушбу таърифга «муҳаббат шевасини ошкора қуйлаган» малика ва мумтоз шоира Нодирабегимнинг «муҳаббатсиз киши одам эмасдир!» деган таъкидини илова қилишни истар эдим.

Муҳаббат ҳақида жуда ўринли тавсиф бор: «Ул ўзи кўҳна нарса, аммо ҳар бир юрак уни янгилайди!» (Ҳ. Тоқтош).

Дарҳақиқат, энг кўҳна ва энг боқий мавзу Муҳаббат! Ҳатто севги боис кўрилган жабру тортилган алам, етган қийноғу ситам ҳам ширин туюлади. Бу ширинликни туйиш учун энг аввало чин муҳаббатни ҳис эта олмоқ ва зарур!

Дилмурод САЙЙИД,
Тошкент шаҳри

ЛАЙЛОНИНГ ҚОТИЛИ

Санъаткорларнинг фожиали ўлими. Ажал нима? Хаёлга толасан-у жавоб тополмайсан. Нега? Сабаб? Мақсад ила ўлдирадилар. Инсон эртами-кечми ўзи ажалга ем бўлади. Шунда нега уни бошқаларга раво кўради. Дунё шунчалик торми? Муҳтожликдан инсон ҳаётига қасд қилмасалар керак, қотиллар муҳтож одамлар эмас. Ҳурмат ва эътиборда ҳам... бенасиб қолмаганлар. Йўқ! Қотил бу ҳасад, кўролмаслик, яна билмадиму назаримда ҳаммамизда бу дев бор, яшайди, озми-кўпми ҳукмини ўтказади.

Лайлонинг ўлими менга отамнинг ҳикоясини эслатади. Нурхон деган бир ашулачи бўлар экан. «Колизейда» Лайли ариасини айтганда йиғламаган томошабин қолмас экан. Уни ҳасадгўйлар заҳарлаб ўлдиришди. «Кимлар?» — деб сўрадим.

— «Жим, деворнинг қулоғи бор», — деди отам секин.

Чорак асрдан бери журналистнинг синчковлиги тинчлик бермай Нурхоннинг қотилларини ўзим учун аниқлашга ҳаракат қилдим. Афсус, билсалар ҳам аниқ-таниқ қилиб жамоатчилик орасида айтмайдилар . Қотиллар бу кечаги коммунистлар мафиясини хуш кўрганлар орасида эди. Халқ тилида айтганда, «султон ўз итини хорлатиб қўймайди». Кейин эса қотилларни топиш «сиёсат»га айланди. Одамлар эса сиёсатдан қочиб, оғизларини қўл билан ёпадиган бўлдилар. Тафтишим натижа бермади. Санъат соҳаси билан таниш бир кекса инсон, «Менга қара, Нурхоннинг қотилини қидириб нима қиласан?» Бу ҳасад, у ёмон нарса, эртами-кечми яна башарасини кўрсатади» — деди. Ҳақиқатдан мана ўша ҳасаднинг яна бир боши кўринди. Ажал қиёфасига кириб жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Аммо ҳасаднинг эътиборга тушмаган кичик, кўзга кўринмас, тафтиш ва тергов аниқлай олмайдиган жиноятлари қанчадан-қанча! Халққа завқ ва шавқ бахш этган санъаткорларнинг ўлимидан мухлислар афсус чекадилар. Қотилларни айблаб лаънатлайдилар. Қотиллар жазоланади. Аммо ҳасад омон қолади. Наҳотки? Инсонлар билмайдиларми? Икки шуҳратпарастга олам тор. Аммо томошабин, ўқувчининг бағри кенг: минглаб санъаткорга унда жой бор. Олам ёлғонга тўла деймиз жўнгина қилиб. Аммо санъатга, ҳақиқатга ўлим йўқ.

Бобом айтар эдилар: Ҳақиқатга бало урмайди, уни кўтарганни ўлдирадилар, холос. Ҳақиқатни бошимга кийиб олар эдим-ку, аммо жон ўлгур ширин-да... Бобомни айблашга ҳуқуқим йўқ. Чунки менинг ҳам гуноҳ ва айбларим бор... Бобомдан кўра кўп бўлса борки, оз эмас. Негаки, Ҳасад-қотилни кўрсам, индамайман, гоҳида ўзимда ҳам пайдо бўлса, ҳайдашга жасоратим етишмайди.

Ўзингдаги ҳасад- қотилни қувмагунча, енгмагунча, ўзингни бошқалардан ҳимоя қилолмайсан. Ҳасадни қувинг, бу нажот нидоси холос. Неча асрдан бери янграб келаяпти. Ҳасад эса дам-бадам шайтон отига миниб ажал тиғини ўйнатиб чопади. Қаерда, қачон яна кўринади?..

Акбар ЮНУС

Газетанинг навбатдаги сони 25 январ куни чиқади.

Қиш қўйнида ишқ баҳори...

Ўтмиш — гувоҳ

ҚУЛЛУҚ ҚИЛАМИЗ

Март ойининг 18-19 ларида биз бир неча киши Бухородан Тошкантга қараб йўлга чиқдик. Бизнинг бу сафаримиз қуруқ бир «командировка» ёки «сафар савдогарлиги» учун эмас эди. Биз бу сафарда Туркистон Жумҳурияти ўзбекларининг 2-маданият ва маориф қурултойига келиб турар эдик. Бухоро билан Тошкант орасида юратурғон нозирлар шўросининг хизмат вағўни бўлмағонлиғидан ва қурултойнинг очилишига 2 кунгина қолғонлиғидан биз шошилиб йўлга чиққан эдик. Маскавдаги бутун Русия фирқа қурултойига Бухородан 4-5 кишидан иборат вакиллар элиткувчи бир вағўндан ўрун олишимизга ишониб, Когонга чиқдиқ. Когонда қатъий айтдиларки, вағўнда жой йўқдир. Шундан кейин биздан 3 киши Бухорога қайтиб кетди. Иккимиз эса, қандай бўлсада кетмакчи бўлуб ҳаракат эта бошладик. Бироздан сўнг бизга шул вакиллар вағўнининг йўлагидан жой берилди. Бир кеча йўлакда ва томда қўндиқ. Ҳолбуки, эртаси куни англаонимизга кўра, ичкарида бўш жойлар кўб ва делегатлардан бошқа «командировкаликлар» ҳам кўп эдилар.

Сўнгра Қоравулов ва Рашид Валидий ўртоқларнинг бироз ёрдамлари орқасида ўрунлашиб келдик. Лекин шу сафарда биз Бухоро болшевиклар фирқаси марказий комитети аъзоси ўртоқ Рубинштейндан шу қадар қўпол, тор миллатчилик иси келатурғон бузуқ муомала кўрдикким, бир умр эсимиздан чиқмас! Ўзи билган, таниғон ва танимагон Оврўполиларни «пожалуйста» («марҳамат») билан қарши олиб, жой бергани ҳолда бизни вағўндан қувлаш учун бор кучи билан тиришди; ёлғуз Қоравулов, Валидий каби бир-икки ўртоқларнинг ёрдами орқасида саломат келдик.

Бунинг учун Қоравулов, Валидий ўртоқларга қуллуқ қиламиз, ва ўртоқ Рубинштейнга эса: «Ўртоқ, байналмилалчиликни митинг нутқларида эмас, ишда, амалда кўрсатишка тиришингиз; Шарқ мазлумларининг дўсти бўлгон меҳнаткаш, бева-бечоранинг терисига кириб олиб, икки мазлумнинг орасини бузатурғон ишлардан сақланингиз», деймиз.

«Бухоро ахбори» газетасининг собиқ муҳаррири: Абдулҳамид Сулаймон.

«Қизил байроғ» газетасининнг масъул мудири: Ғози Юнус.

Феруза НУРИДДИНОВА тайёрлади.

«Қизил байроқ», 1922 йил, 31 март, 158-сон, 4-бет.

СИЗНИ КЎРГИМ КЕЛАДИ

МУЗДЕК ҚЎЛ

Мен сизни қаерда, қандай аҳволда юрганингизни ҳам билмайман. Сизни соғина-соғина, кўргим кела-кела мана 33 ёшга ҳам кириб қўйдим. Ҳаётда менинг меҳрталаб юракчамга сиз томондан кўрсатилиши керак бўлган меҳр, эътибор ўрни ҳамон бўш. Бу, худди йиллар давомида эгасини кутиб, соғиниб шифтга осиб қўйилган бешикка ўхшайди. Юрагимнинг кенглиги ҳам шу бешик қадар бўлса ажабмас.

Дада, юрагимнинг бешигида катта бўлган болалигим ҳақида ёзсам... фотиҳа беринг!

* * *

1971 йилнинг қиши. Беш ёшлардаман. Аёз бобо деразамизга турли нақшлар солиб кетади. То кун илимагунча кўчага чиқиш йўқ. Токчага ўтириб оламан-да, юз суратларини кўчираман. Бугун негадир бунга рухсат бўлмади. Уйимизда тумонат одам. Мени ўйнаб келгани чиқариб юборишди. Менинг эса кўчага чиққим йўқ, узун плашч, камзул кийиб олиб йиғлаётган аёлларни томоша қилгим келарди.

— Сени бийинг ўлиб қолибди, — деди мен билан ўйнаётган болалар.

— Йўқ бийим уйда, ўз кароватларида ухлаб ётибдилар, — дейман ўжарлик билан. Аммо болаларнинг гапидан қандайдир хавотирга тушдим. Уларнинг гап-сўзига ишонмай, секин сирғалиб уйга кирдим. Бийижоним юзларига кампал ёпганча уйимиздаги шовқин-суронга парво қилмай ётардилар. Кароватга яқинлашиб аста қўлларини ушлаб кўрдим, муздек. Шу пайт давра олиб йиғлаётган аёллардан бири кўриб қолди-ю, тағин кўчага чиқариб юборди. Кўп ўтмай одамлар қабристон томон кетишди. Эртаси куни аёлларга қўшилишиб мен ҳам мозорга бордим. Улар гапириб, дард айтиб йиғлардилар. Мен ҳайрон уларга қарайман. Қани кўзимдан бир томчи ёш чиқса. Секин тупугим билан кўзимни намладим. Одамлар қараб турган бўлсая, десам, йўқ, ҳеч ким эътибор бераётган эмас. Ўша дамда мен бечора бир умрга онажонимни йўқотганимни қаёқдан билай. Дераза томонга азиз бошларини буриб, болаларим кўрқмасин дея жон берган эканлар. Оғзидан келган қон деворга сачраб, бир икки жойга из қолдирган эди. Бийижонимнинг бунчалик қийналганларини қаёқдан билай, мен гумроҳ. Балки ҳозир беш, олти яшар бола ўлик-тирик нималигини билар, тушунар. Аммо бизнинг давримиздагилар анча содда бўлишган эканми, 1971 йилнинг 9 декабри хотирамда қишнинг ўзидек совуқ из қолдирди.

Бийим балиқни яхши кўрганидан қўлимга битта 10 тийин, битта икки тийинлик танга бериб, дўконга жўнатардилар. Оқ шилдироқ қоғозга 7-8 дона майда-майда килка балиқларни олиб келганимда биттаси аввал бошдан мукофот тариқасида ўзимга тегарди.

Бийимнинг каровати дераза ёнига қўйилган бўлиб, кўчадан ўтган-кетганни кўриб ётардилар. Тўрт йилдан буён аҳвол шу. Оёқлари оғрий-оғрий фалаж бўлиб қолгандилар. Мен бийимнинг энг яқин, доим ёнларида бўлгувчи дастёрлари эканман. Ўзлари шундай дердилар. Қишда уйимиз совуб қолса, эски дафтар-китобларни ёқиб уйни иситардим. Ёзда эса мен дастёрни ушлаб бўлмасди. Кўпинча мозор яқинидаги тепаликдан бир қўли, бир оёғи йўқ қўғирчоқларни олиб мозорга кирардим. Бу ер мен учун энг тинч, қулай жой эди. Нарвонларга ўтириб шовуллаб турган теракларни томоша қилардим. Улар худди ҳавони елпиётган елпигичга ўхшарди, назаримда.

Баъзан оёғим чуқурчаларга тушиб кетарди. Бу ерда мени уришадиган, тергайдиган одам йўқ. Мармар тош токчаларга «Касал» қўғирчоқларимни қатор ётқизиб «даволайман». Улар билан гаплашаман. Албатта ўзимнинг боши юпқа тош, ёки тугмадан қилинган қўғирчоғим ҳам бўларди. Ёзнинг узун кунларида иссиқда эриб қўғирчоқларим ёнига аста чўзилардим. Туш маҳали уйдан хабар олгани келган дадам мени ҳеч жойдан ахтариб ўтирмас, тўғри мозордан кўтариб опкетардилар. Кўчамизда менга яқин иккита ўртоғим бор: Бахти ва Шоди. Уларга ўзимнинг фокус-мокусимни кўрсатмоқчи бўлдим. Эшигимиз олдидан кичкина ариқча оқиб ўтарди. Бир куни ўша ариқчанинг сув келмай қолган жойига танга яшириб, болаларни чақирдим.

— Қаранглар, ҳозир ариқдан танга топиб оламан! — дедим.

Янгилик уларни ҳайратлантирди. Мени диққат билан кузатишди. Мен ўзимча белгилаб қўйган жойимдан танга олиб кўрсатдим. Қойил қолишди. Сўнг улар ҳам иштонларининг пойчасини шимариб танга топгани ариқ кечиб кетишди.

Қорним очқаб, уйга қайтганимда бийим овқатланмай мени кутиб ётган бўлардилар. Бирга тамадди қилардик. Кейин биринсирин опам-акам мактабдан қайтардилар. Сўнгра мен буткул озодликка чиқардим. Аста жуфтакни ростлайман. Қўшни қишлоқдан мактабимизга қатнайдиган болалар «чегара»дан ўтиб кетмай, тез ҳаммомга етиб боришим керак. Дўстларим мени кутиб қолишди. Ҳаммом девори устига бир талай тош, кесак йиғардик-да, чегарани бузиб ўтган «босмачи»ларни аёвсиз тошбўрон қилиб, галаба билан уйга қайтардим...

Дилором ИСМОИЛОВА

КАСАЛ ЎЙИНЧОҚЛАР

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 037.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.30

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.